



Туркистонда рус сиёсатининг асосий мақсадларидан бири рус иқтисодий сиёсатига мос ҳолда бошқарилган ўлкани мустамлакага айлантириш эди. Мустамлака сиёсатини асосан икки йўл билан олиб борилди.

- а) қалъалар бунёд қилиш учун ерларни мусодара этиш ва казак қисмларини ўтrockлаштириш;
- б) рус дехқонларини туркистонликлардан тортиб олинган ерларга жойлаштириш.

Бу борадаги дастлабки ташаббус 1743 йили Оренбург қалъасини бунёд қилишдан бошланган эди. Шундан бошлаб, Русиядан кўчиб келганларни жойлаштириш учун ерларни тортиб олиб, мусодара қилишнинг олди-орқаси кўринмасди. 1808 йилгача

Окмўла ва Еттитом (Семипалатинск) ўлкаларида 5 млн гектардан ортиқ ер Сибирь казакларига берилди (Седельников. Т. И. Киргизский край, 177-6.). Мамлакатни мустамлакалаштириш 1865 йилдан кейин сезиларли даражада тезлаштирилди. Мустамлакалаштириш айрим ўлкалар билангина чегараланиб қолмади. Рус ҳарбий ва иқтисодий манфаати учун ҳар қанча ва ҳар қандай ер тортиб олинарди. Масалан, Иссиқкўл хавзасига русларни жойлаштириш шу йўсинда бажарилди. Иссиқкўлни руслаштириш Россиянинг Шарқий Туркистонда келажакда олиб борадиган сиёсати учун стратегик аҳамиятга эга эди (Северцов. Путешествия... 93-6. Бу муаллиф Россиянинг дехкончилик бўйича йирик мутахассисларидан эди. Узи 1858 - 1859 ва 1864 - 1868 йилларда Сирдарёнинг қуйи оқими ва Иссиқкўл хавзасига ўрнашган рус келгиндиларига дехкончилик учун қулай ерларни ўрга-ниш учун ташкил қилинган хайъатнинг бошлиғи эди.). 1889 йил 13 июлдаги тарихий қонун билан Семипалатинск, Окмўла, Тоболск ва Етти Ирмоқ вилоятларидаги ерлар қўчиб келган русларга узок муддат фойдаланиш ҳуқуқи билан берилди. Бу қонун қучга киргач, ўлкага қўчиб келиш қучайди. 1896 йили қўчиш ишларини йўлга солиш учун Россия ички ишлари нозирлиғи қошида махсус ташкилот тузилди. 1903 йили 10 июнда қўчиб келувчиларни қизиктириш учун Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд водийларига қўнгилли қўчиб келганларга сунъий сугориладиган унумдор ерлар берилажаги ҳақида қарор қабул қилинди. Ана шундай ташвиқот тадбир-лари махсули сифатида 1896 йилдан 1905 йилгача Дашт бош волилиғи доирасидаги 234 134 «қўчманчи» руслар келиб жойлашди. Яна 1905 - 1906 йилларда Урал вилояти чегараларига 105460 руслар ўтrockлаштирилди (Сулайманов. Аграрный вопрос, 100 - 123 б.).

Бош волиликнинг (Дашт ва Туркистон) бошқарув тузуми ҳақидаги дастурларга қўра волилик чегараси доирасидаги ҳамма ерлар давлатники (Россияники) эди. Бунинг аниқ натижаси ўларок рус ҳукумати ўз одамларига истаганича миқдорда ва истаган еридан жой берди.

Бу тарздаги тақсимлаш натижасида Дашт бош волилиғи 1905 йилга қадар (казак қисмларига берилган ердан ташқари) 5.144.115 десятина, 1905 - 1906 йилларда эса 30.327.940 десятина ерни Россиядан қўчиб келувчиларга берди. Бу қаторга казакларга берилган 11 миллион десятина ер ҳам қўшиб ҳисобланса, жами рус қўчувчиларига берилган ер 46.472.055 десятинага етади 406. Туркистон бош волилиғига қарашли 4.655.000 десятина ер (дехкончилик учун ишлатиладиган ернинг 50% Россиядан қўчиб келувчиларига берилди (1963, 35-6.). Бу сиёсат, айниқса, Еттисув ўлкасида қўпроқ ташвиқ қилинди, аммо Сирдарё ўлкасида муваффақиятсизроқ ўтди (45 - 230 б. Еттисув ва Сирдарё ўлкаларидаги мустамлакалаштириш масалаларини атрофлича таҳлил қилган.). Туркистон ерларининг унумдорлиғи ҳам русларнинг бу ерларга бўлган иштиёқини қучайтирди. Масалан, Туркистон бош волилиғи тупроқларига қўчиб келганларнинг 18% Россияда 10 десятинагига ери бор эди. 1906 - 1913 йилларда Туркистонга қўчиб келган русларнинг 116 маскани бор эди. Бу масканга келган ҳар бир рус ўртача 231, 8 сўм пул билан келган. Туркистонга оиласи билан қўчиб келганларнинг 90,9% пулсиз, 36,7% эса умуман, мол-мулксиз кишилар эди. Дашт бош волилиғидаги дехкончилик учун қулай ерларнинг жуда катта қисми қўчиб келган русларники бўлиб қолди. 1916 йилда 3.348.000 десятина ишланадиган ернинг 671.000 20% козоқларга (турклар), 2.043.000 (61%) ўрусларга ва 634.000 (19 %) казак қисмларига тааллуқли эди (Шахматов, Казахская пастбишно-кочевая община., - Алма-Ата: 1964, 153-6.). Албатта, руслар орасида ҳам ерсиз дехконлар (12,9%) бор эди. Ернинг руслар қўлида тўпланиши

Ўтрок ва кўчманчи туркистонликлар орасида ерсизлар сонининг ортишига олиб келди. Рус хисоб-китобига кўра 1917 йили Туркистон бош волиилигида ўтрок аҳолининг 3,7% (633.490) ва кўчманчи қисмининг 29,6 % ёки 1.793.113 киши ерсиз эди(Статический ежегодник, 2-қисм. 290-6.).

Туркистондаги мустамлака сиёсатини изчил қўллаш билан Русия уни бир рус вилояти ҳолига келтиришни мўлжалларди. Фақат бу ниятни амалга оширолмади, аммо 1911 йилгача бу ерга 1.950.000 рус, украин ва казакларни жойлаштиришга муваффақ бўлди. Бироқ бу ҳам ёппасига руслаштириш юзасидан сезиларли муваффақиятга эриша олмади.

Русия Туркистондаги ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун олиб борган ҳарбий усулдан бошқа иккинчи йўли ҳам мустамлакачилик йўли эди. Бу мустамлака сиёсати Совет иттифоқи ва Шарқий Оврўпода изчил ўрганиш мавзусига айланди(Чор Русияси мустамлакачилиги билан боғлиқ шўро ёзма манбалари кўп. Бу ерда шуларнинг бироз қисми қайд қилинади: Е.Драбкина, Национальный и колониальный вопрос в Царской России. - Москва: 1930,133-144-6. Н.Я. Виткинд. Библиография по Средней Азии, Москва, 1930, 165-6. Руслардан ташкари мутахассисларнинг хдм асарлари мавжуд.). Бошқа ерларда бу сиёсат Чор Русиясининг Туркистондаги иктисодий сиёсати шаклида кўрилди(Чор Россиясининг Туркистондаги иктисодий сиёсати ҳақида тўлиқ маълумот учун қarang: (пахта сиёсати 42 - 46 б.; сугориш сиёсати 83 - 86, Темир йўл мавзуси 196 - 201 б.)). Туркистоннинг босиб олинишининг асосий сабабларидан бири ҳам иктисодий бойликларини (ерошти қазилмалар, дехқончилик ва чорва маҳсулотлари, айниқса, пахта, ипак, қоракўл ва бошқалар) рус давлати манфаатлари учун фойдаланиш эди. Аслида ҳам рус ҳукумати иктисодий сиёсат юзасидан қўлланиши лозим бўлган тадбирлардан ўзини тута олмади.

Туркистон пахтасига муҳтожлиги учун пахта етишти-ришга катта аҳамият берди. Нихоятда қимматга тушган ташқаридан олинadиган пахтадан қутулиш йўллари-ни излади. Натижада, Туркистон бош волиилигида 1888 йилдаги 68 490 десятиналик пахта майдонини 1931 йилда 273 396 десятинага кенгайтиришга эришди. 1941 - 1915 йилларда Туркистондан 15.572.000 пуд пах-та олиб кетилди(Аминов. Экологическое развитие, 143-6; Галузо. Туркестан - колония, 73-бет: 18,5 млн пуд. 46-бет, 1916 йил роппа-роса 17 млн пуд чиқарилди.). Туб халқни эксплуатация қилишда пахта асосий воситага айланди. 1914 - 1915-йилларда пахта етиштирувчи дехқонларнинг қарзи 157.712.000 сўмга етди(Галузо, Туркестан - колония... 79-бет.). Рус судхўрлари катта фoиз хисобига қарз бериш йўли билан дехқонларни шу қўйга солишга муваффақ бўлдилар(Ортиб қолган маблаг юзасидан сенатор Пахлен шундай тақлиф қиритди: «Туркистон эҳтиёжларимизни қондира оладиган даражада мустамлака бўлишини ва Русиянинг Оврўпо қисми саноати учун бозор сифатида қўриқлай олишни истасак, ерлик халқни чайқовчи ва судхўрлардан қутқариш керак». Қarang: К.К. Пахлен. Материал к характеристике народного хозяйства в Туркестане, 1-қисм. СПб, 1911,232-6. Унингтақлифи амалга оширилмади. Чайқовчилик Русия иктисодий сиёсатининг унсурларидан бўлиб қолди.).

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан